O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

# MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 21-iyun, chorshanba, 25 (355)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, Марказий кенгаш девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

Йиғилишни фракция раиси Хуршид Дўстмуҳамедов қисқача кириш сўзи билан очиб, кун тартиби билан таништирди.

Кун тартибидаги биринчи масала — янги таҳрирда чоп этилган ЎзМТДП Устави тақдимоти хусусида сўз юритган фракция аъзоси О.Ўсаров йиғилиш иштирокчиларига ушбу ҳужжатнинг аввалгисидан фарқли жиҳатлари, унда баён этилган мақсад-вазифалар хусусида батафсил маълумот берди.

Фракция аъзоси Абдуғофур Маматов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган "Фирма номлари тўғрисида"ги (учинчи ўқиш), "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги (учинчи ўқиш), "Микромолиялаш тўғрисида"ги (иккинчи ўқиш), "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги (иккинчи ўқиш) ҳамда "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги (биринчи ўқиш) қонун лойиҳалари ҳақида ахборот берди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилиш натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзМТДП Тошкент вилояти Бўка туман кенгаши партиянинг 11 йиллиги муносабати билан туман маданият уйида «Гулшандаги гулчеҳралар» мавзуида кўрик-танлов ўтказди.

Қизларни турмушга тайёрлаш, уларни миллий анъаналар ва қадимий урф-одатларни эъзозлашга ўргатиш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда касб-ҳунарга қизиқишларини орттириш мақсадида ўтказилган бу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент туман кенгаши 11-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Қизил ярим ой» жамияти туман бўлими билан ҳамкорликда «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» мавзуида семинар-йиғилиш ўтказди.

Учрашувда аёллар ва ўқувчи ёшлар иштирок этишди. Йиғилганларга олий тоифали шифокор-гинеколог Наира Газибекова «Аёллар саломатлиги муҳим масала» мавзуида, 1-тоифали акушер-гинеколог Сайёра Ризаева эса аёллар ўртасида учраётган касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш масалалари тўғрисида маъруза қилди.

**Ўз мухбиримиз**

* * *

Қўқон шаҳар «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида «Миллий тикланиш» демократик партияси Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда фуқаролар ҳамда партиянинг вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашлари раислари иштирок этишди. Давра суҳбатини партия кенгаши раиси Саидахон Йўлдошева бошқарди.

Суҳбат давомида кун тартибидаги масала юзасидан ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Бахтиёржон Мўминов, «Маҳалла» жамғармаси раиси Қўқон шаҳар бўлими ўринбосари Эркинжон Ҳакимов, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳбубахон Солиева ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Йиғилиш сўнгида Қўқон шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими хонандалари дилтортар куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд қилишди.

**Каримжон Акбаров,
ЎзМТДП Боғдод туман кенгаши раиси.**

## ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

**ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежида «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида йиғилиш ўтказилди.**

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят Қамаши туман кенгаши ташаббускорлигида Қамаши педагогика коллежида «Маънавият ва миллий истиқлол мафкураси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

**Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги М.Дадажонов номли маҳалла фуқаролар йиғинида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Ҳомийликдан эл обод» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши ташаббускорлигида туманда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан «Экосан» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳашар ташкил этилди.

* * *

**Партиянинг Навоий шаҳар кенгашида «Ёшларимиз — миллатимиз келажаги» мавзуида тадбир ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят Когон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Зираобод» маҳалла фуқаролар йиғинида партия фаоллари иштирокида «Миллий истиқлол ғояси — юрт мафкураси» мавзуида ўқув-семинари ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Сирдарё вилоят Мирзаобод туман кенгашида «Оила, фарзанд ва мактаб» мавзуида учрашув ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан 222-мактабда «Болаларга беринг дунёни» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

**Наманган вилоят Поп туманидаги 65-ўрта мактабда партиянинг туман кенгаши ташаббускорлигида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси ўтказилди.**

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Қизириқ туман кенгаши «Миллий чолғу асбобларининг уста ижрочиси» танловини ўтказди.

* * *

**ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгашида «Ҳомийликдан эл обод, мурувватдан кўнгил мунаввар» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Шофиркон туман кенгаши ташаббуси билан туман маданият уйида «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

**ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой ва Қўнғирот туман кенгашларида «Энг катта бойлигимиз — тинчлик ва барқарорликни асрайлик» мавзуида партия фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.**

* * *

Партиянинг Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар кенгаши «Оила — энг муқаддас даргоҳ» мавзуида учрашув ўтказди.

**ЎзМТДП
Марказий кенгаши
матбуот хизмати.**

*Ёз ўтмоқда соз*



## ЗИЁЛИЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ФИДОЙИЛАРИ

**Ўзбек зиёлилари мавзуси тарихшунослигимиздаги яхлит ва кенг қамровли илмий тадқиқот муаммоси ҳисобланади. Жамиятнинг маънавий ҳаётига, унинг тафаккур салоҳиятидаги ўзгаришларга қизиқиш ўсиб бораётганлиги зиёлилар тарихини маданий ва ижтимоий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ва ўрганишни тақозо этмоқда.**

Бугунги зиёлилар янгича шарт-шароитга мослашмоқдалар. Айни вақтда зиёлиларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши, руҳияти ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб боряпти.

Совет даврида камол топган зиёлилар марксистик уйдирмаларга мойил эдилар. Янги давр зиёлилари эса ҳозирги жамият нечоғли қийин даврни бошдан кечираётганини тушунадилар. Улар мазмун-моҳиятига кўра, тоталитаризм меросларидан қутулиш йўлига кириб, демократия сари элтувчи ғоялар билан нафас олмоқдалар.

Янгича дунёқарашли зиёли бўлиш жуда қийин ва масъулиятли эканлигини бугунги кунда, афтидан, ҳамма ҳам бирдан тушунавермайди. Акс ҳолда баъзилар янги зиёлиларни баъзи иллатлар ботқоғига ботган кишилар деб ҳисобламас эди.

Зиёлилар — ўтган асрларда илғор ғоялар генератори ва ижтимоий-маданий тараққиёт «локомотиви» бўлиб, халқ билан биргаликда машаққатли тарихий йўлни босиб ўтди. Бу тарих улкан ютуқлар ва йўқотишлар, кашфиётлар ва қатағонлар, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва уни асоссиз ёмонлаш, ижодкорлик ва қонли террордан иборат эди.

Бугунги кунда зиёлиларнинг жамиятдаги мавқеи ва тутган ўрнини камситиш — яқин ўтмишда бўлганидек, маданиятнинг муқаррар пасайишига, мамлакатнинг ички муҳити ва фан-техника тараққиётига салбий таъсир кўрсатишга олиб келиши мумкин. Фан, техника, таълим, санъатда мужассамлашган интеллектуал салоҳиятни фаоллаштирмасдан туриб миллат тараққиётини юксак поғонага олиб чиқиш мумкин эмас.

Ўзбек миллий зиёлиларининг тарихий йўлини ўрганиш ва уни умумлаштиришнинг долзарблиги ҳозирда демократик, ҳуқуқий жамият қуриш борасида мамлакатимиз олдида турган вазифаларни илмий жиҳатдан тушуниб етиш заруриятидан келиб чиқади. Миллатнинг ижодий ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришга асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш Ўзбекистонда маданият, миллий зиёли кадрларни тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини долзарб вазифа қилиб қўяди. Ушбу стратегик вазифа Юртбошимиз томонидан мустақил Ўзбекистон ўзига хос ривожланиш йўлининг машҳур беш тамойили тариқасида баён қилиб берилган. Республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, жамиятнинг равнақ топиши ва унинг келажаги буюк бўлишига уйғунлаштирилган устуворликлар миллатнинг интеллектуал салоҳиятига ҳамда давлатнинг кадрлар борасидаги изчил сиёсатига қаратилгандир.

*(Давоми 2-бетда)*



## АНЪАНАЛАР УМРИ БАРДАВОМ

**Ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, ўзлигини кўз-кўз қилувчи, жаҳонга танитувчи миллий қадриятлари, удумлари, анъаналари мавжуд. Ана шундай анъаналарни янада жонлантириш, уларни ёшлар онги ва шуурига сингдириш мақсадида ҳукуматимиз қарори билан республика олий ўқув юртлари ўртасида «Барҳаёт анъаналар» фольклор фестивал кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Бу тадбир сабаб қадимий удумларимизни ўрганиш, ривожлантириш ва шу орқали аждодлар руҳини шод қилиш биз ёшларнинг элу юрт, Ватан олдидаги муқаддас бурчимиз эканлигини қалбан ҳис этдик.

Кўрик-танловда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг «Олтин мерос» жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзига юклатилган вазифани аъло даражада уддалади. Айниқса, Зоҳиджон Мамадалиев, Камола Маҳкамовалар ижро этган қўшиқлар йиғилганларга бирдек маъқул бўлди. Суннатилло Усмоновнинг «Дилхирож» рақси ҳам томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади, шунингдек, Роҳила Абдуллаева, Авазбек Абдуллаев, Гулноза Нарзуллаева каби бир қатор жамоа аъзолари ҳам ўз ижроларини маҳорат билан бажардилар.



Ҳар бир ижрода аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат, санъатга шайдолик сезилиб турди. Бунда, албатта, устозлар Зиёда Машарипова, Даврон Қодиров ва Иброҳим Рўзиевларнинг ҳиссалари беқиёс бўлди.

Ота-боболаримиздан қолган удумлар, анъаналарни асраш, кенг тарғиб қилиш бугунги кунимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бобомерос анъаналаримизни кўз қорачиғидек авайлаш нафақат аждодларимизга, балки келажак авлодларга ҳам ҳурмат рамзидир. Ҳар қандай миллат ҳам ўз илдизи — ўтмишидан сабоқ ола билсагина, хулоса чиқара олсагина келажакка дадил қадам қўя олади. Шу маънода «Барҳаёт анъаналар» чинданда барҳаёт аҳамиятга молик тадбир бўлиб қолаверади.

Бу бошланган хайрли тадбир умид қиламизки, яна давом этиб, аждодларимизнинг боқий меросини авлодларга ўз ҳолича етказишга, ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ортиқали БЕҲУТОВ,
ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультети 2-курс талабаси.**




«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ – 158.

## ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгашида бўлиб ўтган тадбирни вилоят кенгаши раиси Э.Ходжаев кириш сўзи билан очди ва йиғилганларни партиянинг 11 йиллиги билан қизғин табриклаб, ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди.**

Шундан сўнг сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзоси, Қарши Давлат университети доценти М.Ражабов миллий истиқлол ғоясини фуқаролар онгига сингдириш партия аъзоларининг энг муҳим вазифаларидан эканлигини таъкидлаб, ёшлар турли хил оқимларга кириб кетмаслиги учун миллий ғоя, миллий мафкурани шакллантириш ишида барча партия аъзоларини фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбир сўнгида йиғилишда қатнашган партия аъзоларига янги рамзий белги туширилган аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Э.ХОДЖАЕВ.**

*Талабалар даврасида*

**Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мақсад ва вазифаларига мос келади. «Миллий тикланиш»чиларнинг айни кунлардаги фаолияти ана шу йўналишга қаратилаётганлиги партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши ўтказаётган тадбирларда ёрқин кўзга ташланади.**

Термиз Давлат университетининг катта мажлислар залида педагогика, тарих ва касбий таълим факультетларининг биринчи ва иккинчи босқич талабалари билан «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида учрашув ўтказилди. Партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Жуманазар Холмирзаев бугунги Ўзбекистон, Ватанимиз равнақи, юртимизнинг жаҳондаги ўрни, дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида маъруза қилди. Партия фаолларининг кўнгилдан айтилган таклифларидан сўнг залда жонланиш пайдо бўлди. Талабалар партия фаоллари билан чин дилдан мулоқотга киришдилар.

Тадбир сўнгида университетнинг «Маънавият ва маърифат» бўлими мудири Тўра Азимов, партиянинг вилоят кенгаши бош мутахассиси Хадича Ибодовалар сўзга чиқишди. Учрашув қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Жуманазар АНОРОВ.**

**Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб давлатлар билан сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалари ривожланиши ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга замин яратади.**

**Бугунги кунда мустақил ташқи сиёсатни конституция қоидаларига таяниб юритаётган Ўзбекистон халқаро муносабатларда янада фаоллашди. Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, қатор мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдаги саъй-ҳаракатлари илиқ кутиб олинмоқда.**

# ҲАМДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ

## Ўзбекистон — Россия: Ҳамкорликнинг янги қирралари



Ўзбекистон-Россия муносабатларида ижтимоий-иқтисодий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Рақамларга мурожаат қилайлик, Ўзбекистоннинг умумий товар айланмасида Россиянинг улуши қарийб 22 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда 433 та қўшма корхона ишлаб турибди. Россияда эса ўзбекистонлик тадбиркорлар иштирокида 284 та қўшма корхона фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда 80 дан ортиқ Россиядаги фирма ва компанияларнинг ваколатхоналари очилган.

2004 йилда давлатлар ўртасида товар алмашишнинг умумий қиймати 1,6 миллиард долларга етган бўлиб, бу кўрсаткич илгариги йилларга нисбатан 43 фоизга ошганлигини кўрсатади. 2005 йилда эса у 2 миллиард долларни ташкил этди. Яқинда Ўзбекистонга келган Россия савдо-саноат палатаси вакилларининг асосий мақсади ҳам ҳамкорликнинг янги жиҳатларини аниқлаш ва самарали шартномалар тузишдан иборатдир.

2004 йил апрелда Россия-Ўзбекистон тадбиркорлар кенгаши тузилди. Ҳозирда бу кенгашнинг асосий фаол корхоналари — Россия томонидан «Лукойл-Оверсиз», «Татнефть», Россия ташқи савдо банки, Россия банки, Ташқи Иқтисодиёт банки, «Стройтрансгаз» компаниялари ҳамда Иванов ва Ярославль областлари, Олтой ўлкаси маъмуриятлари ҳисобланади.

Ўзбекистон-Россия тадбиркорлар кенгаши доирасида «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Олмалиқ тоғкон бирлашмаси», Чкалов номидаги ТАИЧБ Давлат ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўзавтосаноат», «Ўзбекистон темир йўллар» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, Миллий банк ва бир қанча хусусий корхоналар иш юритади.

Россиянинг нефть ва газ компаниялари билан 1,5 миллиард долларлик шартномалар имзоланган. Шартноманинг асосий ижрочилари Россиянинг «Газпром» ОАЖ ва Ўзбекистоннинг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияларидир. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-сиёсий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари жиҳатидан қўшни давлатларга қараганда қулай геосиёсий-стратегик имкониятларга эга.

Россия-Ўзбекистон муносабатларида икки томонлама алоқалардан ташқари Евроосиё ҳамкорлик ташкилоти доирасида бир қатор соҳаларни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш назарда тутилган. 2006 йил 25 январда Санкт-Петербургда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик кенгашига расмий аъзо бўлишига бағишланган навбатдан ташқари мажлис бўлиб ўтди. Евроосиё ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг умумий майдони Ўзбекистон билан қўшиб ҳисоблаганда 20797 минг км.кв. бўлиб, аҳолиси 200 миллиондан ортиқ. Бу жуда катта имконият демакдир.

Россия Федерациясида ер юзидаги табиий бойликларнинг 40 фоиздан зиёди жойлашган ва унинг ҳудуди 17 миллион км.кв.дан катта. Аҳолиси дунё аҳолисининг 2,5 фоизи атрофида. Қўшни Қозоғистон Республикасининг ҳудуди 2,7 млн.км.кв. бўлиб, аҳолиси 17 миллионни ташкил этади. Табиийки, бу мамлакатларда ишчи кучига эҳтиёж катта. Ўзбекистон эса Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг 40 фоизига эга эканлиги билан ажралиб туради.

2006 йил 17 январда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти бош котиби Григорий Рапато мамлакатимизга ташриф буюрди ва ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти ва истиқболлари ҳақида ўз фикрларини билдирди. Унинг фикрига кўра, ҳамкорлик ташкилотининг барча аъзолари учун имзоланаётган шартномалар ҳар томонлама фойдали.

Бу ташкилот ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалалари, фуқароларнинг визасиз борди-келдисини таъминлаш, олий ўқув юртларига тўсиқсиз кириш имкониятлари, дипломларни ўзаро тан олиш тартиби мавжудлиги каби кўплаб ижтимоий қулайликларни яратади.

Ташқи савдо ва божхона сиёсати соҳасида эркин савдо маконини расмийлаштириш мақсадида ягона божхона тизимини жорий қилиш, ўзаро товарлар ва хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш ҳам шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама фойдали.

**Т.НОРОВ,**
**ЎзМУ катта ўқитувчиси.**

# МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ИЖОБИЙ ЖАРАЁНЛАР

**Иқтисодий ва молиявий глобаллашув жараёнларининг ривожланиши банк тизимига ҳам таъсир кўрсатади. Гап бунда бир мамлакат банкларининг бошқа давлатларда ўз филиалларини очиши натижасида улар фаолиятининг ҳудудий миқёси ҳақида бормоқда. Ушбу масалада Россия ва Ўзбекистон молиявий муассасалари алоқаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, мазкур давлатлар банк тизимларида бир қатор ўхшаш муаммолар мавжуд.**

Масалан, Ўзбекистонда кредит тизими яхши ривожланганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, тижорат банкларининг ялпи ички маҳсулот тайёрлашдаги улуши 73 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Бу бошқа давлатларга нисбатан кредит тизими ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, Қозоғистон ва Қирғизистонда бу кўрсаткичлар мос равишда 24,9 ва 34,8 фоиздан иборат. АҚШда — 67,6 фоиз, Японияда — 170,4 фоиз. Россияда ҳам худди шундай ижобий ҳолни кўриш мумкин.

Лекин Ўзбекистон ва Россия банкларининг асосан «кредитга йўналтирилган» модел асосида фаолият юритиши уларнинг молия бозорида инвесторлар сифатидаги имкониятларини нисбатан пасайтиради. Бу борада Россиядаги аҳволни таҳлил қилиб кўрайлик. Мамлакат банк тизими активида 2005 йил 1 июнь ҳолатига 1095 млрд. рубл миқдорида қимматбаҳо қоғозлар (векселларни ҳисобга олмаганда) мавжуд бўлган. Улар таркибининг 44 фоизи давлат қимматбаҳо қоғозлари, 40 фоизи бошқа қарз мажбуриятлари, 16 фоизи акцияларга тегишли.

Россияда тобора ривожланиб бораётган корпоратив облигацияларнинг бозори банк инвестициялари учун алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бунда масалан, кейинги уч йил ичида корпоратив облигацияларнинг ҳажми деярли ҳар йили икки баробарга ошди.

Молия бозорининг анъанавий воситалари (акция ва корпоратив облигациялари)дан ташқари, Россияда янги молиявий воситалар — давлат томонидан рўйхатдан ўтказилишини талаб қилмайдиган қимматбаҳо тижорат қоғозларининг лойиҳаси ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг 1-ярмида бу қоғозлар бозорининг ишга тушиши режалаштирилмоқда. Унда банклар ҳам инвесторлар, ҳам эмитентлар сифатида иштирок этиши мумкин.

Банк тизимининг ривожланишида давлат қимматбаҳо қоғозлари бозори бутун иқтисодиётда, хусусан, банк тизимида ҳам ликвидлик даражасини тартибга солиш учун пул-кредит сиёсатини амалга ошириш жараёнида фойдаланилганлиги туфайли алоҳида аҳамиятга эгадир. Молиявий муассасалар бу бозорда энг асосий иштирокчи сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон ва Россияда давлат қимматбаҳо қоғозлари давлат бюджетининг камомадини қоплашни молиялаштириш вазифасини камроқ даражада бажариб, кўпроқ ликвидлик даражасини тартибга солиш вазифасини бажармоқда. Шу муносабат билан марказий банкларнинг облигациялари бозори кўпроқ ривожланмоқда. Очиқ бозорда марказий банклар томонидан операцияларнинг амалга оширилиши банк тизимида ликвидликни бошқаришга туртки бўлади. Давлат қимматбаҳо қоғозлари билан РЕПО битимларидан фойдаланиш 2004 йилнинг июлида Россияда юзага келган банк кризисини бартараф қилиш имконини берди.

Қатор МДҲ республикаларида қимматбаҳо қоғозларнинг нодавлат бозори ҳали тараққий этмаган ҳолда, давлат облигацияларининг бозори юқори даражада ривожланишига эришилди. Давлат қимматбаҳо қоғозлари савдоси, шу жумладан, улар билан РЕПО операцияларининг амалга оширилиши уюшган савдо майдонларида бозорнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу борада Россияда катта тажриба тўпланган. Ўз бозорларини ривожлантириш борасида Россия инфратузилмасининг тажрибаси Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Молия бозорида банклар учун даромадларнинг яна бир муҳим манбаи андеррайтинг хизматларини кўрсатиш ва бозорда ўз қимматбаҳо қоғозларини жойлаштираётган компанияларга маслаҳатлар беришдир. Банклар қимматбаҳо қоғозларни жойлаштиришда андеррайтер сифатида қатнашар эканлар, икки томонлама фойдага эришадилар, уларни қизиқтирувчи қоғозлар тўғрисида ахборотга эга бўладилар ҳамда доимий даромад олиб турадилар. Андеррайтерлар йиғими турли баҳоланиш бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,1-0,5 фоизини ташкил этади. Экспертларнинг маълумотларига кўра, андеррайтер - банклар томонидан жойлаштирилаётган облигациялар чиқарилиши корпоратив облигацияларни жойлаштириш умумий ҳажмининг 70 фоизини ташкил этади.

Россияда IPO бозори энди ривожланмоқда, айниқса, компаниялар унга 2005 йилдан кира бошладилар. Бир вақтнинг ўзида эмитентлар фаоллигини хориждаги молиявий майдонларга олиб чиқиш миллий молия бозори ва мамлакат банклари учун жиддий туртки ҳисобланади. Сўнгги бир ярим йил ичида Россия компаниялари IPO ҳисобига 4418 млн. АҚШ долларини жалб қилдилар, ундан 3795 млн. АҚШ доллари халқаро молия бозорига тегишли. Натижада Россия банклари ва инвестицион компаниялар асосий андеррайтерларга айланмоқда.

Ўзбекистон ва Россияда банк тизими ҳамда молия бозорининг ҳамкорликда ривожланиши учун молиявий интеграция жараёни муҳим ўрин тутади. Бу турли мамлакатлар банкларининг бир-бирининг бозорларига ўзаро киришиб кетишига тааллуқлидир. Молия бозорларининг интеграцияси бутун иқтисодиёт, шу жумладан, Россия ва Ўзбекистон давлатлари банк тизимлари ривожланишига етарли туртки бўла олиши мумкин.

Хуллас, Россия ва Ўзбекистон банкларининг молия бозорлари интеграция жараёнига фаол кириб бориши уларнинг ривожланишига туртки бўлади.

**Алишер ЯНГИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси.**

# ЗИЁЛИЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ФИДОЙИЛАРИ

*(Боши 1-бетда)*

Бу эса ўз навбатида янги мафкуравий назарияни ишлаб чиқиш зарурияти билан боғлиқ. Ҳар қандай даврда зиёлиларнинг янги авлодлари турмуш ва ижтимоий онгнинг умумий тизимига ўз улушларини қўшиб келганлар. Бунда баъзи унсурларнинг баҳридан ўтган бўлсалар, учинчиларини янгича тарзда талқин қилганлар. Бироқ нима бўлганда ҳам, ҳар қандай тарихий давр ва шароитларда умумий бинонинг синчлари қулаб тушишига йўл қўйилмаган. Ана шу иморатнинг тикланиши учун имконият яратган манбавий негиз мудом миллий мафкуранинг бош асоси бўлиб қолаверган.

Яқин вақтларгача янги маданият, ўзбек миллий зиёлиларининг шаклланиши масалаларига олимлар етарлича эътибор қаратмаганлар. Баъзи масалаларни тарихчилар ё умуман текширмаганлар, ё «нега ва қандай бўлган?» деган формулага номувофиқ тарзда талқин қилишган. Бу салбий жиҳатлар айнан совет тузуми даврига хос эди.

Тарихий адабиётларда «совет социалистик зиёлиларининг» шаклланиш жараёнини акс эттиришда сийқаси чиққан «синфий принцип» ва «партиявийлик принципи»га оғишмай амал қилинган. Масалан, буржуа миллатчилигида аёвсиз айбланган жадидлар ана шу «тарихга кирмай» қолганлар. Коммунизм мафкурачилари миллатнинг ҳозирги куни ва келажагини расмий мафкуравий андозалардан ўзгача талқин этишга журъат қилган энг яхши вакилларини дарҳол четга суриб қўйишган. Ўтмишдан мерос бўлган барча ижобий анъаналар ва замонавий мақбул нарсалар ўрнига ишчи-деҳқонлардан чиққан янги зиёли кадрларни тайёрлашдан иборат муросасиз, кескин сиёсат олиб борилган.

Масъулиятли босқичларда, тарихнинг кескин бурилиш паллаларида зиёлиларнинг роли бениҳоя ошиб кетади. Улар воқеалар тўлқинининг чўққисига чиқиб қоладилар. Улар кишиларга янги-янги ғоялар берадилар, ўтмишни мушоҳада қиладилар, келажакка назар ташлаб, ҳозирги кун ҳақида ўйлайдилар. Мустамлакачилик даврида ҳам шундай бўлган эди (жадидчилик ҳаракати фикримиз далилидир), ўн еттинчи йилнинг октябридан кейин шундай бўлди, ҳозир ҳам шундай бўляпти.

«Экспериментал» СССРнинг парчаланиб кетиши, шундан кейин рўй берган воқеалар янада янги-янги қарашлар туғилишига олиб келди ва бу нарса зиёлилар қатламининг деярли барча вакилларини қамраб олди.

Босиб ўтилган йўлни мушоҳада қилиш жараёнида тарихий тажрибани ҳисобга олиш салбий сабоқлар ёки ижобий натижалардангина иборат бўлмайди. Фойдали, қимматли нарсаларни, шунингдек, хатолар ва муваффақиятсизликлар, миллатнинг маънавий салоҳиятидаги йўқотишларнинг сабабларини очиб бериш амалиётда кўндаланг бўлаётган ғоят муҳим илмий-назарий вазифа ҳисобланади.

Зиёлилар ҳеч қачон бир хил бўлишмаган. Уларнинг орасида ҳамиша бир вақтнинг ўзида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз, узвий боғлиқ ёки бир-бирини истисно этувчи турли йўналишлар, оқимлар, жамиятнинг ижтимоий, миллий, касбий ва бошқа белгиларини акс эттирувчи нуқтаи назарлар мавжуд бўлган. Зиёлилар ўзларининг дунёқарашларига кўра ҳам, ўз ижтимоий-тарихий вазифаларига кўра ҳам айнан шу хусусиятлари билан ажралиб турадилар.

Ўтган йилларда Ватанимиз тарихшунослигида тарихий-партиявий йўналиш мажуд эди. Муаллифлар маданий сиёсатнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлмиш совет миллий зиёлиларининг таркиб топиши масаласида шуни таъкидлайдиларки, ўтган асрдаги 50-йилларнинг охирида тарихчилар ўзбек зиёлиларининг шаклланиш жараёнига умуман тўғри баҳо берган бўлишларига қарамай, бу жараённи назарий жиҳатдан мушоҳада қилишга жуда кам ҳисса қўшганлар. Улар 60-70 йиллар шароитидаги илмий-тарихий тафаккур ҳолатига таъриф бериб, халқ таълими тизими тарихи, фаннинг тараққий этиши, маданиятларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши жараёни батафсил ва холисона ўрганилганлигини қайд этганлар.

Яқин ўтмишни тўғри баҳолаш учун совет тарихига муносабатда икки йўлдан бирини танлаш керак. Бу жуда жиддий муаммо. Хусусан, баъзилар ана шу меросни тўлиқ сақлашни талаб қилсалар, бошқа бирлари қатъият билан уни батамом четга суриб қўйишни талаб қилмоқдалар. Шу боис яхлит ҳолда ва айни дамда, муайян хусусий жиҳатларни ўрганишда далилларга таянувчи услубий асосларни ишлаб чиқиш ёки танлаб олиш ниҳоятда муҳимдир.

**Фатхулла ЭРГАШЕВ.**

**Аудиторияда дарс бормоқда... Талабаларга «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанидан сабоқ бераётган домла талабаларнинг диққат-эътиборини назардан қочирмай, дарсни давом эттирмоқда. Пашша учса, овози эшитиладиган аудиторияда лекция тинглаётган талабаларнинг бу фанга қизиқишларидан домланинг кайфияти кўтарилади. Келажак ворислари бўлмиш ёш авлоднинг Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишларига ҳисса қўшаётганлигидан фахр туйғуларини ҳис қилганча дарсни якунлар экан, талабалар билан хайрлашиб, оҳиста деканат сари одимлайди...**

# Эзгулик йўлида

Ўқитувчи-устозлар ҳаётдаги нурли юлдуздир. Улар бутун умр ўқийдиган, сабоқ ва панд-насиҳат бериб чарчамайдиган, шогирдлари камолидан ҳамиша хурсанд бўладиган касб эгаларидир. «Устоз — отангдек улуғ», деб бежиз айтишмаган.

Ўттиз йилдирки, Тошкент молия институтида иқтисодчи-педагоглик касбини улуғлаб, келажак авлоднинг малакали таълим-тарбия олиши, етук иқтисодчи кадрлар бўлиб етишишига самарали ҳиссасини қўшиб келаётган Фатхулла Каримов ҳам шундай фидойи, меҳрибон ва талабчан устозлар сирасига киради.



Фатхулла Каримов Тошкент халқ хўжалиги институтини «Бухгалтер-иқтисодчи» йўналиши бўйича битириб, 1970-73 йилларда институт аспирантурасида ўқиди. Билимга чанқоқлиги ва ўз йўналишига бўлган қизиқиши унинг ҳар томонлама салоҳиятли, иқтидорли касб эгаси бўлиб етишишига пойдевор бўлиб хизмат қилди. 1974 йили иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ёқлаган Фатхулла Каримов институт «Саноат иқтисодиёти» кафедрасида катта ўқитувчи, 1977 йилдан эса кафедра доценти сифатида фаолият кўрсата бошлади.

1975-80 йилларда сиртқи-кечки факультетда декан муовини, 1980 йилдан бошлаб декан вазифасида талабаларга етакчилик қилди. 1991 йилдан 2004 йилгача Тошкент молия институтида ректор муовини лавозимида фаолият юритди. 2004 йилдан бугунги кунга қадар институтнинг «Бошқарув» факультети декани лавозимида келажак авлодга таълим-тарбия бериб келаётган профессор Фатхулла Каримовнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвони ва «Фидокор» нишонлари билан тақдирланган.

Фатхулла Каримов Ўзбекистон иқтисодиётини республика оммавий ахборот воситалари орқали халққа тарғиб қилиш билан бир қаторда Малайзия, Италия ва Туркия каби хорижий давлатларда ўтказилган анжуманларда ҳам иштирок этиб, муносиб даражада ўз салоҳиятини намоён қилган. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Молия ва кредит ихтисослиги» илмий-методик кенгаши раисининг ўринбосари сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

Фатхулла ака тажрибали педагог-иқтисодчи бўлиш билан бирга, яхши оила бошлиғи, меҳрибон ота, садоқатли турмуш ўртоқ ҳамдир. Фатхулла ака ва Муҳаббат опа беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш, уларни ўқитиб, элга қўшишда бир-бирларига камарбаста.

Ҳали Фатхулла Каримовнинг режалари, қиладиган илмий ишлари талайгина. То келажак авлодга таълим-тарбия беришга салоҳияти, куч-қуввати етар экан, бу фахрли, эзгу ва улуғ йўлдан дадил бораверади. Устознинг ойдин ва нурли йўлдаги мақсадларига умрбоқийлик тилаб қоламиз.

**Алишер ЭРДАШЕВ.**



***«Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим...»***

# ЎЗИМНИНГ ҲАҚИҚАТЛАРИМ

**Одамнинг суянадиган, амал қиладиган ўз ҳақиқатлари бўлади. Менинг ҳам ҳақиқатларим бор. Унинг қуввати билан катта бўлдим. Кўрган кўп яхшиликларим, орттирган обрўйим, чеккан озорларим ҳам унинг туфайлидир.**

Қишлоғимизда Расул ака деган ўқитувчимиз бўларди. Бизга рус тилидан дарс берарди. Қулоғи бироз оғирроқ эди. Ўқитувчимиз бизни жуда яхши ўқитган дея олмайман. Дарсда савол-жавоб пайтида паст овозда узоқроқ гапирсак, у хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлсин, бизни тўғри жавоб бераяпти деб аъло баҳолардилар. Бу усул ўзимизга ҳам ёқиб қолганидан индамай қўяқолардик. Мактабни ҳам битирдик. Олий ўқув даргоҳига ўқишга кирдик. Лекин бу ердаги домла бизнинг ўқитувчимизга ўхшамас экан. Ҳамма мавзуни сув қилиб ичиб юборган бўлсам-да, талаффузда қийналаман. Курсдошларимнинг айтишича, акцент билан гапирарканман. Шунинг учун ҳамиша бир бал паст баҳо олардим. Лекин бошқа фанлардан аълога ўқидим. Талабаликнинг иссиқ-совуқ кунлари ортда қолди. Лекин рус тилини ҳалигача яхши билмайман. Бир кун айланиб ўша ўқитувчимникига бориб қолдим. Мактаб давримизни эсладик. Анча вақт суҳбатлашдик. Гап орасида: «Бизни яхши ўқитмагансиз-а», — дедим. Устозим индамай дастурхон четини ҳимариб ўтиравердилар. Билмадим, гапимни эшитдиларми, йўқми? Аммо ичимдагини айта олганимдан хурсанд эдим, енгил тортдимда.

Ўшанда, имтиҳонда тўрт баҳо олганимда ўзимни машина тагига ташламоқчи бўлганман. Муаллимимга гапириб тўғри қилдим деб ўйлайман. Ҳозиргача шу фикрдаман. Нуқул ичимда бир одам менга гап отаверади. Ўзинг ўқиб-ўрганишинг керак эди, ўзганинг ёрдамига суяниб қолиш яхшимас. Мен ҳам бу одамнинг гапларига қўшиламан. Даъволари тўғри деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам унга хайрихоҳлик билдираман. Сиз ҳам бирор муаммони ечишда, маслаҳатга муҳтож бўлиб қолганингизда, ичингиздаги овозга қулоқ тутасизми? Сизнинг ҳам ўз ҳақиқатларингиз бордир. Бу ҳақда биз билан ўртоқлашинг.

**Дилором ИСМОИЛОВА.**



*Бунча хушбўй экан.*

Унда Халқаро театр куни муносабати билан берилган «Нафис ва қудратли санъат», «Қуш тили» саҳнада», «Ижод масъулияти», «Кўнгил оҳангдан қувват олади», «Саҳна нутқи муаммолари», «Дилкаш ижодкор» каби мақолалар берилган.

«Чўлпонни англаш», «Яхшиликдан яралган дунё...» ва Асқад Мухтор шеъриятидан намуналар ўқийсиз.

Ўзбекистон халқ артисти Шоҳида Маъзумова ижодига бағишланган «Шоҳида опанинг «алла»си ва «Ўзбек Отеллоси», «Юракдаги қўшиқ»

# «ТЕАТР»

## ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИДА

Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Рихсихоним Иброҳимова билан уюштирилган суҳбат ва «Тарих билан ҳамнафас» номли таниқли шоир-драматург Эркин Самандар билан суҳбатлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Журнални варақлаганимизда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг ҳамда «Санъатга эҳтиром» каби рукнлардаги мақолалар санъат ихлосмандларини шод қилади.

«Театр» журналининг бу сони сифат ва дизайн жиҳатидан, қолаверса, маъно ва мазмун жиҳатидан ажралиб туради. Журналнинг янги сони мухлисларга манзур бўлиши шубҳасиз.

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА.**

# ФУТБОЛ БИЛАН ЯШАЁТГАН ДУНЁ

Бошқа жабҳаларни билмадигу, аммо спортда етакчилар ва кучлилар тез-тез ўзгариб туради. Бу ҳолат ўзбекларнинг «Зўрдан зўр кўп» қабилидаги нақлининг яққол ифодасидек, гўё. Ишонмайсизми? Бизда сизни ишонтириш учун далил ва фактлар етарли.

Биринчи далил — Франция терма жамоаси. Ўзининг катта ёшли юлдузларига суяниб қолган французлар ҳамон вазиятдан қутулиб кетишнинг осон йўлини излаш билан оввора. Агар уларнинг таркибига эътибор берадиган бўлсак, футболчиларнинг аксарияти бундан саккиз йил муқаддам, яъни 1998 йилда Бразилияни мағлуб этган чарм тўп усталари саналади. Зайниддин Зидан, Фабиан Бартез каби футболчиларнинг юлдузли онлари бугун тарихга айланган. Франциянинг умиди саналган Тьери Анри эса тобора «Арсенал»нинг фуқаросига айланиб бормоқда. Клуби таркибида энг етакчи футболчи саналадиган Анри терма жамоа учун катта аҳамият касб этмайди. Агар у клубда ўйнаганларини чемпионатда ҳам такрорлаганда эди, Франциянинг рақибларига осон бўлмасди.

Сизда Бразилия-чи, деган савол туғилган бўлиши шубҳасиз. Тўғри, футбол афсунгарлари доим ҳам чемпионлик учун асосий даъвогар саналиб келишади. Аммо уларнинг сири бошқа ерда. Бразилия терма жамоасида алмаштириб бўлмайдиган ўйинчини топиш мушкул. Агар бирор-бир юлдуз терма сафига бир маротаба чақирилмадими, тамом. Энди у жойини қайтариб олиши учун кўп меҳнат қилиши керак бўлади. Шу боис ҳам улар ҳамма замонларнинг тенгсиз жамоаси сифатида эътироф этилишади.

Кўпчилик Гана ёки Австралия терма жамоалари иштирокидаги учрашувларни сенсация сифатида баҳоламоқда. Аммо уларнинг биронтаси ҳам бундан тўрт йил илгари Сенегал бажарган ишнинг уддасидан чиқа олмади. Яхши биласиз, ўшанда сенегалликлар жаҳон чемпионларининг курагини ерга теккизиб, катта шов-шувни чиқаришган эди. Аммо орадан тўрт йил ўтгач, уларнинг ўзи ҳам жаҳон чемпиони ортида қолиб кетишди.

Жаҳон чемпионати зўрларни аниқлаб бериши тайин. Зеро, кимнинг нимага қодир эканлиги айни кунларда барчага бирдек аён.

**Тошпўлат ХОЛИҚОВ.**



*Бразилиянинг машҳур футболчиси Роналдиньо.*

# ҚОҒОЗГА ТЎКИЛГАН АРМОНЛАР




«Онамни сўнгги манзилга кузатганимдан кейин жуда кўп ўйландим. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деб бежиз айтилмаган экан. Фарзанд она қадрини ундан жудо бўлгандан кейингина англар экан. Шундай бўлишига қарамай барибир нималарнидир ёзгим ва дил армонларимни қоғозга тўкавергим келди. Начора, менинг бошқа иложим қолмаган, қалбимни эзиб, дардимга дард қўшиб улғайган хотиралардан вужудимни фориғ қилмаслик мени қийнаб қўйишини тушундим ва ёзишга қарор қилдим.

Онажон, ушбу битикларимни сизга, қолаверса барча муштипар оналарга бағишлашга жазм этдим...».

Шоир, журналист Абдураҳим Раҳмоннинг шеърлар ва бадиалари киритилган «Онамга айтолмаган сўзларим» номли китоби шундай ибратли сўзлар билан бошланади.

***Китоб жавонингизга***

Унда турли йилларда ёзилган ижод намуналари ва онаси билан боғлиқ хотиралари, руҳий кечинмалари берилган.

Бугунги кунда Абдураҳим Раҳмон Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги «Сариосиё» газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаб келмоқда.

Ўқиш, иш, ижод билан бўлиб, жонкуяр, меҳрибон, ғамхўр онаизорни йўқлаш, уларнинг хизматини қилиб, дуоларини олишга, дилдан узун суҳбатлар қуришга вақт ва имкон тополмаслик кўпчилик ижодкорларнинг тақдирида бор нарса...

Волидамизни бой берганимиздан кейин унинг хотиралари қолади, холос. Кейин ҳар бир айтган сўзимизни элакдан ўтказамиз. Баъзан қилган шўхликларимиз ва онамизга билиб-билмай етказган заҳматларимиз ўзимизга оғир ботади. Шундай бўлса-да, оналаримиз билан бўлган яхши суҳбатларгина дилимизни ёриштиради.

Китоб муаллифи виждони ва фарзандлик бурчи буюрганларини айтади. Ёзганлари онасининг хотирасига ҳайкал бўла олса не ажаб... Ҳар ҳолда ижодкорнинг кўнгли оз бўлсада, таскин топгандек бўлади.

**Ўлмасбек ХЎЖАЕВ.**

# Бажарилмаган ВАСИЯТ



Бундан бир неча йиллар аввал маъракалардан бирида эшитганим, бўстонлиқлик Турдибек отанинг ҳикояси ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Бизнинг овулда Салим ота деган диний илмларни яхши билган, мулла киши бўларди, — дея ҳикоясини бошлаган эди Турдибек ота. — Шу киши қазоси яқинлашганини сезиб, фарзандларига: «Чироғларим, мен яқинда қазо қилсам керак. Менинг кигиз тўрвадаги Қуръон китобларимни эҳтиёт қилинглар», — деб васият қилади. Бироқ отаси мулла бўлса-да, ўзлари эътиқодсиз бўлган фарзандлар ота васиятини ёддан чиқаришади. Қазо қилганидан қирқ кун ўтгач, Салим отанинг арвоҳи болаларини безовта қила бошлайди. Айниқса, Жондор исмли иккинчи ўғилга қийин бўлади.

Бир куни ухлаб ётган Жондорнинг тушига оппоқ кийиниб олган отаси кириб, важоҳат билан:

— Менинг васиятимни нега бажармадинг? Қуръон китобларим қаерда? — деб сўрайди ва ўғлининг бошига қўлидаги ҳассаси билан уради. Чўчиб уйғонган Жондор бошининг лўқиллаб оғриётганини сезади. Шу заҳоти китоблар солинган кигиз тўрва илиниб турадиган ерга боради, лекин уни ўрнидан тополмайди. Маълум бўлишича, бир неча муддат олдин уйлар оқланганда барча буюмлар ташқарига олиб чиқилган, ташлаб юборилган ортиқча нарсалар орасида эса китоблар ҳам бўлган экан. Жондор китобларни кигиз тўрваси билан бирга ахлат қутисига ташлаган, эътиқодсиз, аҳмоқ хотинининг: «Қуръон ўқийдиган отам ўлган. Арабчани тушунмаганимиздан кейин, ортиқча нарсаларни сақлаб нима қиламиз?» — деган гапига нима деб жавоб қайтаришини ҳам билмайди. Шундан кейин Жондорнинг бош оғриғи кучая бошлайди. Кўзини юмди дегунча, отаси китобларини сўрар экан.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Жондорнинг аёли ҳам қўлида кучли оғриқ уйғонганини сезади. Эр-хотин шифокорларга кўринишади, барибир фойда бўлмайди. Охири, аёлининг икки қўли ишламай қолади, ўзи эса ақлдан озади...

Ўша Жондор бугун етмишдаги чол. Ҳозир уни ўғил-қизлари уйида ушлаб туролмайди, битта гапни қайтариб, кўчаларда дайдиб юради:

— Ота, уришаверманг мени, китобларингизни топиб, олиб бориб бераман...

Бутун овулнинг Жондорга раҳми келади. Бироқ энди унга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Чунки у отасининг арвоҳини чирқиратган. Отани норози қилган фарзанд эса ҳеч қачон кўкармайди, — деб Турдибек ота гапини якунлаган эди.

Турдибек қариянинг ҳикоясидан анча пайтгача таъсирланиб юргандим. Бу воқеа бошқаларга ҳам сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**

# Халқаро воқеалар

## КАТАЛОНИЯ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРДИ



**Испаниянинг Каталония вилояти марказий ҳокимият ваколатларини сезиларли даражада чекловчи янги конституция учун овоз берди.**

Каталония — Испаниянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган автоном вилоят. Аҳолиси — 7 миллион, бу мамлакат жами аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади. Шу билан биргаликда, энг тараққий этаётган вилоятлардан бири, Испания ялпи ички маҳсулотининг 1/5 қисми Каталония ҳисобига тўғри келади.

Каталониянинг янги мақоми кўп жиҳатдан автономиянинг молиявий мустақиллигини таъминлайди — эндиликда бу ҳудудда йиғилган солиқларнинг ярми Каталониянинг ўзида қолади. Янги конституция маҳаллий ҳукумат ваколатига кирувчи масалаларга марказий ҳокимиятнинг аралашишини ҳам чеклайди. Каталон тили эса испан тили билан бир қаторда давлат тили сифатида эътироф этилади.

Каталонияликлар азалдан ўзларининг бошқа испанияликлардан фарқланиб туришларини қайд этиб келишган. Ҳаттоки, марказ билан муносабатларни тартибга солувчи хартияда ҳам каталонияликлар алоҳида миллатни ташкил этиши ёзиб қўйилган.

Ўтказилган референдум натижаларига кўра, 75 фоиз овоз берувчилар автономиянинг кенгайишини ёқлашган. Бу ғоя Мадридда ҳам қўллаб-қувватланган.

## БОШ ПРОКУРОР НОМЗОДИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



**Россия Федерацияси президенти Владимир Путин мамлакат бош прокурори лавозимига Юрий Чайка номзодини таклиф этди. Бу ҳақдаги тақдимнома тасдиқлаш учун Федерация Кенгашига юборилган.**

Матбуотда Юрий Чайка номзоди бирон марта ҳам тилга олинмаган эди. Бунга қадар у терговчи, бош прокурорнинг биринчи ўринбосари ва бош прокурор вазифасини бажарувчи вазифаларида ишлаб келган. Охирги олти йил Юрий Чайка адлия вазирлигини бошқарган.

Россия парламенти юқори палатаси спикери Сергей Мироновнинг айтишича, Юрий Чайка номзодининг тасдиқланишида муаммо юзага келиши керак эмас.

Бу масала Федерация Кенгашининг 23 июнда бўлиб ўтадиган йиғилишида муҳокама этилиши кутилмоқда.

## ШИМОЛИЙ КОРЕЯ БАЛЛИСТИК РАКЕТА СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗМОҚЧИ



**Шимолий Кореяда “Тэпходон-2” узоқ радиусли баллистик ракетасига ёқилғи қуйиш жараёни ниҳоясига етган. Хориж оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, бу ракета яқин вақтларда учирилиши мумкин.**

Тайёргарлик ишлари мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Мусудан полигонида амалга оширилмоқда. Охирги кунлар ичида дунё афкор оммасининг эътибори шу ҳарбий объектга қаратилган.

Вашингтон ва Токио Пхеньянни янги ракета синовини амалга оширмасликка чақирган. Япония ҳукумати бу масала бўйича норозилик билан ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиши мумкинлигини маълум қилган.

Икки қисмдан иборат “Тэпходон-2” баллистик ракетасининг узунлиги 35 метрни, учиш масофаси эса 3,5 — 6 минг километрни ташкил этади.

## АЙБЛОВ САДДАМ ҲУСАЙНГА ЎЛИМ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАШНИ СЎРАДИ



**Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн ва унинг етти нафар сафдошига оид жиноят иши бўйича давом этаётган суд процессида бош прокурор экс-диктаторга нисбатан ўлим жазоси тайинлашни талаб қилмоқда.**

Айблов тарафи суддан, шунингдек, Саддам Ҳусайннинг ўгай укаси — махсус хизматлардан бирини бошқарган Барзан ат-Тикрити ва мамлакатнинг собиқ экс-президенти Таха Ёсин Рамадан ҳам ўлим жазосига ҳукм қилишни сўрамоқда.

Судланувчилар шиаларнинг Ад-Дуджайл қишлоғида 148 нафар одамни ўлдирганликда айбланишмоқда.

Кейинги суд мажлиси 10 июль куни бўлиб ўтади.

## 135 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ПОРТРЕТ



**АҚШда австриялик мусаввир Густав Климтнинг Адели Блох-Бауэрнинг “олтин” портрети энг юқори — 135 миллион долларга пулланди.**

Портрет Лос-Анжелесда яшовчи Блох-Бауэрнинг жияни Мария Алтман хонимдан сотиб олинди. Харидор эса парфюмерия-косметика соҳасида бойлик орттирган магнат Рональд Лаудердир.

Дунё рассомчилик санъатининг дурдоналаридан ҳисобланган Адели Блох-Бауэрнинг портрети ва Климтнинг яна тўртта асари узоқ вақтлар Австрия ҳукумати ва мусаввирнинг авлодлари ўртасида низоларга сабаб бўлиб келган. Австрия ва АҚШ судларида давом этган кўп йиллик тортишувлардан кейин асарлар мусаввир авлодлари фойдасига олиб берилган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 823.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00